

## А Ж Р И М

(Ярашув асосида жиноят ишени тугатиш ҳақида)

2026 йил январь ойининг 06 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, Бешариқ тумани “Чорбоғ” маҳалла фуқаролари йиғини биносиди, очиқ сайёр суд мажлисиди, Раислик қилувчи: судья О.Хасанов, М.Абдуллаеванинг котиблигида, Бешариқ туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдураззоқов, гумон қилинувчи С.Салоҳиддинов ва унинг ҳимоячиси О.Мўминов, жабрланувчи А.Ашурматовнинг иштирокида,

Салоҳиддинов Сардорбек Соҳобидин ўғли (Saloxiddinov Sardorbek Soxobidin o'g'li), 1995 йил 06 ноябрда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Бешариқ тумани, “Адолат” м.ф.й., Садарайхон кўчаси, рақамсиз уйда яшайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1506-2601/1-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи С.Салоҳиддинов 2025 йил 25 ноябрь куни соат 11:30 ларда Бешариқ тумани, “Узун” м.ф.й. ҳудудида ҳамқишлоғи А.Ашурматов билан аввалдан бўлган эски зиддиятлар сабабли ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида уни қасдан қўл ва оёқлари билан бир неча марта уриб, жабрланувчи А.Ашурматовга “ўрта оғир” тан жароҳати етказгани аниқланди.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 04 декабрдаги 7453-сонли хулосасиди, А.Ашурматовда чап кўз орбитаси медиал девори суяги ўрта қисмидан синиши, чап кўз олмаси контузияси енгил даражаси, чап кўз склерасига қон қуйилиши билан, чап кўз атроф қовоқ соҳасиди қонталашлари бўлиб, бу соғлиқни йигирма бир кундан кўп бўлган муддатга бузилишига олиб келган “ўрта оғир” шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи С.Салоҳиддинов, жабрланувчи А.Ашурматовлар ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишени ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўраган.

Бешариқ туман ИИБ ТБ терговчисининг 2025 йил 27 декабрдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи С.Салоҳиддиновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.



Гумон қилинувчи С.Салоҳиддинов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи А.Ашурматовнинг соғлигига етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб ундан кечирим сўрагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Ашурматов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, С.Салоҳиддиновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, С.Салоҳиддинов унинг соғлигига етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб ундан кечирим сўрагани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи С.Салоҳиддинов жинойий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмидаги жиноятни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида “Ушбу кодекснинг ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи А.Ашурматов ва гумон қилинувчи С.Салоҳиддиновларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бешариқ туман прокурори ва ҳимоячининг фикрини эшитиб, гумон қилинувчи С.Салоҳиддинов муқаддам судланмагани, айбига ихтиёрий иқроорлиги, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб, жиноят натижасида етказилган зарарларни бартараф этгани, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчиларни хоҳиши билан бўлаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, С.Салоҳиддиновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи А.Ашурматовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасини 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

## А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Салоҳиддинов Сардорбек Соҳобидин ўғли жиноят иши бўйича тараф билан ярашгани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



бб<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчи А.Ашурматовнинг жиноят натижасида етказилган зарарлар бўйича даъвоси йўклиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози томон ажрим чиқарилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация инстанциясига хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдиришга ҳақлидир.

*Ажрим нусхаси аслига тўғри*

Раислик қилувчи

О.Хасанов

